

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОГЛИКНИ САКЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Кулёзма ҳукуки асосида
УДК 340.6:616.881.833.33.001.8

ИСМОИЛОВ ЖАСУР МАРДОНОВИЧ.

**ОСИЛИШНИНГ ТУРЛИ ВАРИАНТЛАРИ ВА ДАВРЛАРИДА
БУЙИН НЕРВ-ТОМИР ТУТАМИ ХАМДА БОШ МИЯДАГИ
УЗГАРИШЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТИ ВА ТАНАТОГЕНЕТИК
АХАМИЯТИ.**

5A720133- суд тиббиёти мутахассислиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Илмий раҳбар: т.ф.д. Индиаминов С.И.

САМАРКАНД-2013 й.

МУНДАРИЖА

Кириш		3
I-БОБ	ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ	7
1.1	Сиртмокда осилишда улим механизми (танатогенези).	7
1.2	Сиртмокда осилиш натижасидаги улимда бош миядаги структуравий узгаришлар.	11
1.3	Сиртмокда осилиш ҳолатларида буйин соха нерв томир тутамидаги структуравий узгаришлар.	15
II-БОБ	Тадкикот материали ва услублари.	23
III-БОБ	Тадкикот натижалари.	27
3.1.	Сиртмокда осилишнинг турли вариантлари ва даврларида бош миядаги структуравий узгаришлар.	29
3.2	Сиртмокда осилишнинг турли вариантлари ва даврларида буйин нерв-томир тутамидаги структуравий узгаришлар.	42
ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР ТАХЛИЛИ.		51
ХУЛОСА.		55
АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР.		57
АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.		58

КИРИШ.

Мавзунинг долзарблиги. Зураки улим структурасида механик асфиксия 28-30% ташкил килади [25,34,4], шундан 34% кул ёки сиртмок билан бугиш холларига тугри келса [52], 62-64% ни сиртмокда осилиш ҳолати ташкил қилган [44,58]. Маълумотларга кура жаҳон микёсида ҳар йили 500 минг киши сиртмокда осилиш оқибатида ҳаётдан куз юмса, 5-6 миллион киши шунга ҳаракат килади [6,60]. Бундан қуриниб турибдики гайритаббый улим таркибида механик асфиксия ва айнан сиртмокда осилиш ҳолати юкори курсаткичларга эга бўлиб, у асосан меҳнатга лаёқатли кишилар орасида учрайди[2,3,33].

Асфиксия ҳолати организмда кислород етишмовчилиги билан кечиб, асосан бош миё, юрак ва нафас фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади [21]. Сиртмокда осилиш бўйин аъзоларининг тана массаси ҳисобига қисилиши ҳисобланиб, патологик узғаришлар факат асфиктик жараён билан чекланмасдан бўйин умурткалари боғламлари, шу соҳа орқа миё ва бош миё стволиннинг пастки қисмлари, бўйин юмшоқ туқималари, ҳикилдок, трахея, қон томир ва нерв тутамлари лимфа йуллари шикастлари ҳамда уларнинг асорати қуринишида бош миёда гипоксик ва нафас олиш системасидаги респиратор узғаришлар билан кечади [36,59]. Сиртмокда осилиш ҳолатини патогенези мураккаб бир нечта факторларга боғлиқ бўлиб, ушбу факторлардан қайси бирининг устунлигини инобатга олган ҳолда жароҳатнинг танатогенезига баҳо бериш мумкин [34,40,58]. Бундан ташқари, танатогенезини баҳолашда бўйин соҳасининг анатомик тузилишига кура, бу соҳа қомперессия, дистракция ва странгуляция жароҳатларга нисбатан анча қийинчилигини, бўйиннинг қичик диаметрли бўлганлиги, суяк системали ҳимояни йуклиги, қатта қон томир ва юкори нафас аъзоларни юза қаватга жойлашуви ва бўйин соҳаси умуркалараро боғламларининг қучқислилиги инобатга олиниши лозим. Сиртмокда осилишда бўйин аъзолардаги шикастларнинг юкорида қелтириб қўйилгандек мураккаб

куришишда булиши, ушбу сохадаги жарохатларни алохида турларга бўлиб урганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки ҳар бир тукима ва системалардаги маҳаллий шикастлар сиртмоқ жойлашган сохадан юкоридаги аъзо ва тукималарда узгаришлар чакиради. Механик асфиксиянинг сиртмоқда осилиш турида баъзи ҳолларда бош миёда гемодинамиканинг локал бузилиши, буйин аъзоларига ва синокаротид рефлексоген зонага сиртмоқни механик таъсири натижасида юрак фаолиятини тухташи натижасида келиб чиқиши мумкин [23]. Сиртмоқда осилиш ҳолатларида бош миё тукимаси гистологик текширувида томирлар утказувчанлигининг ошиши, уларнинг уткир дистрофик узгариши, экстравазатлар, капилляр ва веналарнинг тулаконилиги, упка шиши, миё пустлок каватининг буқиши, нейронларни дистрофик вакуолизацияси, хроматолиз ива кариолизис каби узгаришлар аникланади [46,54]. Постасфиктик даврда эса энцефалопатиянинг енгил ва урта огир даражаларида бош миё катта ярим шарларни пустлок каватидаги ганглиоз хужайралар, миёчанинг пуркинъе хужайралари, кулранг модданинг экстракортикал (Аммонов шохи, курув думбоги ва бошқ) сохаларида ишемик (буқиш, пикноз, кариорексис) каби узгаришлар аникланади. Биринчи сутканинг охирида микроглиал ва астроцитар элементларда учокли глиозли реакция билан биргаликда параллел ҳолда кислород танқислигидан капилляр эндотелиал хужайраларида пролеферация жараёни кечади. Жараён диффуз кечишини давом эттириб 3-4 суткаларда бош миё пустлок каватида учокли бушликлар, миелин толаларини деструкцияси кузатилади. Шу билан биргаликда пустлок ости каватларда, паравентрикуляр зона, гипоталамик соха баъзан, бош миё катта ярим шарларни пустлок каватида томирлар утказувчанлигининг ошиши ва тонусининг бузилиши натижасида перадиапедезли кон куйилишлар келиб чиқади. Бош миё формацияларида нерв хужайраларни камайиши, нейроцит толаларининг ҳажмининг камайиши, нейронофагияси каби дистрофик жараёнлар кузатилади [49].

Юқоридаги адабиётлар тахлили шуни курсатадики, сиртмоқда осилишнинг турли вариантлари ва даврларида буйин сохаси териси ва тери ости юмшоқ туқималаридаги ва бош миёдаги узғаришлар урганилган, аммо асфиксиянинг турли даврларида сиртмоқнинг хусусияти инобатга олган ҳолда нерв-томир тутамлари, лимфа йуллари ва тугунларидаги, шунингдек постасфиктик даврда бош миёда қузатиладиган узғаришлар етарлича урганилмаган.

Ишнинг мақсади: Сиртмоқда осилишнинг турли вариантлари ва даврларида буйин сохаси нерв-томир тутамлари ва бош миё катта ярим шарлар қустлоғидаги узғаришларни урганиш асосида танатогенетик аҳамияти, қушимча белгиларни аниқлаш.

Тадқиқот мақсадини амалга ошириш учун қуйидаги масалаларни ҳал қилиш қузда тутилган.

1. Сиртмоқда осилишнинг типик вариантида буйин нерв-томир тутамлари ва бош миё катта ярим шарлар қустлоғидаги узғаришларни хусусияти ва танатогенетик аҳамиятини урганиш.

2. Сиртмоқда осилишнинг атипик вариантида буйин нерв-томир тутамлари ва бош миё катта ярим шарлар қустлоғидаги узғаришларни хусусияти ва танатогенетик аҳамиятини урганиш.

3. Олинган маълумотларни таққослаш асосида осилишнинг турли вариантлари ва даврларида буйин нерв-томир тутамлари ва бош миё катта ярим шарлар қустлоғида танатогенетик аҳамиятли қушимча белгиларни аниқлаш.

Илмий янгилиги: Сиртмоқда осилишнинг турли вариантлари ва даврларида буйин сохаси нерв томир тутами ҳамда бош миёдаги узғаришлари асосида улим механизмини асослаш ва осилиш вариантларини дифференциаллаш имконини беради.

Ишнинг аҳамияти: Механик асфиксиянинг сиртмоқда осилиш ҳолатларида буйин сохасидаги нерв томир тутамидаги ҳамда бош миё катта

ярим шарлари пустлок каватидаги структуравий узгаришлар хусусиятлари асосида сиртмокда осилиш варианты (типик, атипик), даврини (асфиктик, постасфиктик), сиртмок сифатида кулланилган материал (каттик, юмшок, эластик) аниқлашда ва улим танатогенезини баҳолашда кулланиши мумкин.

Ишнинг апробацияси. Магистрлик диссертациянинг асосий мазмуни СамДТИ Суд тиббиёти ва патологик анатомия кафедраси ҳамда марфология илмий йигилишларида муҳокама қилинди. Диссертация буйича тезис шаклида 1 та ва илмий мақола шаклида 2 та илмий иш чоп этилди.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши: Диссертация 63 Бетдан иборат бўлиб, кириш, 3 бобдан, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация 6 та жадвал, 4 та диаграмма ва 44та микрорасм билан бойитилган. Адабиётлар рўйхати 70 та манбадан иборат бўлиб, шулардан 13 таси чет элда чоп этилган.

I-БОБ

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ

1.1. Сиртмокда осилиш улим механизми (танатогенези).

Сиртмокда осилиш ҳолатларида буйинтирик венасининг қисилиши натижасида бош миядан қон оқими бузилади ва натижада миё ичи қосими ошади. Ҳаттоки умурткалар артериясидан қон қелиши қавом этаётган булсада жараён чуқурлашиб бош миёнинг қислородга булган талаби қондира олмайдиган. Қуп миқдорда туқланиб қолган суёқ қон бош миёдаги турли марқазлар ва структураларни қосиб қолиб ҳушни тезда йуқоқилиши ҳамда ҳаётгий муҳим аъзолар фаолиятини бошқарувини бузилишига олиб қелади. Странгуляция натижасида уйқу артериясининг қомпрессияси ва чузилиши юзага қелиб юрак қон томир фаоляти бузилади [34].

Меҳаник асфиксияда улим асфиктик меҳанизмга эга булсада, марқазий нерв системасида гемоциркуляциянинг бузилиши билан боғлиқ бош миёдаги узғаришлар носпецифик характерда (миё шиши, буқилиши ва ҳоказо) буқилиши сабаблари, бу муаммо етарлича урганилмаган деб тақидлашади. Шу билан биргалиқда, меҳаник асфиксиядан улимда марқазий нерв системасининг турли соҳалари микроскопик текширувида утқир дисциркулятор узғаришлар - шиш, эритростазлар, периваскуляр қон қуйилишлар қабии узғаришлар ҳам қузатилиши қайд қилинган [44].

Маълумки, меҳаник асфиксия танатогенезида муҳим факторлардан бири, бу организмни преморбид фони ҳисобланади. Масалан утқир алкоголь интоксикацияси ёқи юрак – қон томир қасаллиқларида улим генези юрак типига қечиб, ички органларнинг веноз тулақонлиғи қелиб қикади. Сиртмок материаллари қаттиқ ва ярим қаттиқ булганда, танатогенез миё типига қечиб, миё асос нейронлари буқилиши, ҳужайра ядроларини қариолизиси, уларнинг ярмидан қупида глиал реакциясиз қечиб, бош миё ва унинг пардаларининг

нисбатан периваскуляр шиши каби узгаришларга олиб келади. Агар сиртмок рефлексоген зонага таъсири курсатса ёки юракнинг бирон бир огир касаллигига учраган кишиларда сиртмокда осилиш кузатилса улим генези упка-юрак типиди киска вақт ичиди келиб чиқади. Бундай ҳолларда бош миёдаги гидратацияни аниқлаб улим типини ва преморбид фонни аниқлаш мумкин. Улим тез ва киска вақтда келиб чиқса гидратация 80% гача, сиртмокда осилишда 70% гача алкаголли интоксикацияда 75-85% гача, узок кечган агония ҳолатида эса гидратация 90% ташкил қилади [52].

М.И Федоров узини экспериментал тадқиқотларда буйин соҳасидаги каротид синусдаги нерв толаларнинг денервацияси юзага чиқариб, асфиксия жараёнини келтириб чиқаришига ва уз навбатида бу жараён узунчок миёда импульс утишини секинлаштириб асфиксия босқичининг бошланғич даврида атрериал босимни пасайишига олиб келишини курсатиб утган [55].

Сиртмокда осилишда патологик узгаришлар асфиктик жараёнлар билан чекланмасдан, буйин умуркалари боғлам аппарати, орқа миёни буйин соҳаси ва бош миё асоси ҳамда буйин юмшоқ туқималарида турли хил жароҳатлар, бош миёни ишемик зарарланиши билан кечадиган жараён ҳисобланади [21,33].

Шуни инобатга олиш керакки буйин соҳаси анатомик тузилиши кампрессион, дистракцион, ва странгуляцион жароҳатларга анча чидамсиз булиб, бу буйиннинг кичик диаметрли булганлиги, суяк системали химояни йуклиги, катта кон томирлар, юқори нафас системаси аъзоларни юза жойлашуви ҳамда буйин соҳаси умуркалари боғлов аппарати кучсизлиги билан боғлиқ ҳисобланади [59].

Сиртмокда осилиш ярим утирган ва утирган вазиятларда юзага келса, улим механизми нисбатан бошқачарок булиб, бу ҳолатда бош миё стволи ва орқа миёдаги дистрофик шикастлар нисбатан кучсизрок намоён булади. Патологик жараён эса қуйидагича кечади: буйинни сиртмок билан қисилиши буйинтирик венасининг обструкцияси натижасида бош миё веналарида

конни димланиши, бош мияда гипоксия ва хушнинг йуколишига олиб келади. Мушак тонусининг пасайиши буйин аъзоларини кисилишини кучайтиради ва уйку артерияси, нафас йуллари обструкциясини келтириб чикариб, гипоксияни янада чуқурлаштиради, натижада жабрланувчини улимига сабаб булади [45]. Буйинтирик веналарни босилиши учун катта одамларга 2,0 кг босим, уйку артерияси компрессияси учун 3,0 кг босим, хикилдокни обструкцияси учун эса 15,0 кг босим кучи етарли деб хисобланади [60].

Сиртмокни буйинда жойлашган жойига караб, упкага хавони кисман ёки тулик утмаслиги, буйин сохасидаги кон томирларни ва нерв тугунларни (адашган ва симпатик нерв), баъзан эса уйку артерияси булинган сохада мавжуд булган синокаротид тугунни таъсирланиши натижасида рефлексор улим келиб чиқади [22].

Хикилдок усти тогайни кисман ёки тулик оркага кетиб упкада хаво окимини тусиб қолиши мухим ахамиятга эга булса ҳам сиртмокда осилиш генезининг асосий жараёни хисобланмайди. Уйку артерияларни босилиши бош мияда уткир кислород етишмовчилигига олиб келади. Бу эса сиртмокда осилишда улим генезида асосий жараёнлардан бири хисобланади [26].

Буйинтирик венасининг сиртмокни нисбатан таъсири натижасида бош миядан кон кайтиши тухтайди ва калла ичи босими ошади. Бу жараён агар умуртака артерияси ва уйку артерияси нисбатан кисилмасдан колган хисобида бош мияда кон келиши ошиб боради ва хаётий мухим марказларни босилиш натижасида киска вақт ичида хушни йуколиши (бир минут давомида) ҳамда нафас фаолиятини тухташи содир булади. Шундай қилиб, мия ичи босимни ошиши натижасида бош мия пустлок кавати ва хаётий мухим марказларни

фаолияти издан чикиши сиртмокда осилиш генезида асосий жараён хисобланади [28,31].

Юрак кон томир касалликлари ёки юрак кузгалувчанлиги ошган вақтларда сиртмок таъсирида адашган ва хикилдок усти нервни босилиши ва чузилиши улим генезида асосий урин тутати. Юракни бирламчи тухташи синокаротид тугунни босилиши натижасида ҳам келиб чиқади. Сиртмокда осилиш генезида катта ахамиятга эга булган ҳолатлардан яна бири синокаротид тугунни шикастланишисиз уйку артериясини чузилиши хисоб, бу вазиятларда уйку артериясини бифуркация соҳасида интемани ёрилиши (Амюсс белгиси) ва адвентицияга кон куйилиши (Мартин белгиси) келиб чиқади [29].

Сиртмокда осилишда улим генези сиртмокни буйин соҳасида жойлашган жойи ва сиртмокни буйин аъзоларни кисилиш кучига караб-упкада хавони тулик ёки кисман кирмаслиги, буйин соҳаси томирларнинг кисилиши, адашаган ва симпатик нерв толалари баъзи ҳолларда синокаротид тугунни кисилиши натижасида келиб чиқади деб курсатиб утган [25,30,34].

Адабиётлар маълумотлари буйича тулик осилиш вариантида асфиктик боскич кечиш характери аник намоён булиб бош мия, юрак, скелет мушакларида биоэлектрик активлик суниши натижасида нафас олиш фаолияти тухтайди ва бу жараён уртача 2-6 мин давом этади [33,34,36].

Десятов В.П, Суздальский О.В ва бошқалар уз амалиётларидан куйидаги ҳолатни келтириб утишган: 61 ёшли эркак сиртмокда тулик вазиятда 15-20 мин давомида осилган ҳолатда булган. Стационарга келтирилганда умумий ахволи огир, кома, тахикардия, артериал гипотония кузатилган. Рефлекслар чакирилмаган 30 мин кейин хушига келган, лекин гапирмаган. Стационарда 6 кун давомида ётгандан кейин кучайиб борувчи юрак кон томир етишмовчилиги натижасида вафот этган. Текширувда буйин соҳасидаги странгуляцион эгат, конюктива ва эпикард остида кичик

нуктали кон куйилишлар, бош мия ката ярим шарлари пустлок кавати массасининг структурасининг бузилгани, бош мия шиши, юмшашиш учоклари узунчок мия сохасида ҳам кузатилган [13].

Механик асфиксиянинг турли хилларида улим механизми алохида хусусиятга эга. Масалан, странгуляцион асфиксиянинг сиртмокда осилиш турида бош мияда гемодинамиканинг локал бузилиши, буйин аъзоларига ва рефлексоген зонага сиртмокнинг механик таъсири натижасида ҳам улим юзага келиши мумкин[23].

Сиртмокда осилиш патогенези асосий жараёнларидан бири сиртмок билан каротид синусни (рефлексоген зона) босилиши натижасида юрак фаолияти ва томир тонуси регуляциясини узгариши, яъни тонусни тезда пасайиши ва юрак фаолиятини тухташи коллапс ва гипоксия юзага келиши ва адашган нервни босилиши эса коллапс жараёнини кучайиши натижасида кон босимнинг кесгин тушиши хисобланади [57,58].

1.2 Сиртмокда осилиш натижасидаги улимда бош миядаги структуравий узгаришлар.

В.И.Витер ва ҳаммуаллифлар узларининг текширувларида мия юмшок пардалари веналарининг тулаконилиги ва кенгайганлиги, артерияларининг эса кам конлиги ва дистонияси, бош мия тукумасига кичик учокли кон куйилишлар, нейронларда дистрофик узгаришлар, вакуолизацияси, ядросини эксцетрик жойлашуви, кучсиз буялишини аниклашган [10].

В.П.Десятов ва ҳаммуаллифларим механик асфиксиянинг сиртмокда осилиш ҳолатларида бош мия ярим шарлари пустлок каватини гистологик текширувида куйидаги структуравий узгаришларни келтириб утишган булиб, бош мия массасини ортганлиги, нейронлар ядроси кузатилмаслиги, баъзи бир хужайраларни донатор массага айлангани, узунчок мияда некроз учоклари, некроз учоклари уз навбатида бош мияда кон айланишининг тулик

кузатилмаслиги, компрессион ишемиянинг келиб чиқиши туфайли миё ичи босимини ошириши ва шиши натижасида келиб чиққанлигини таъкидлаб ўтишган [13].

Ўз навбатида Н.К.Пермяков ва ҳаммуаллифлари сиртмоқда осилишда вафот этган жабрланган шахсларни бош миёсини микроскопик текширганда бош миёдаги некроз учокларида хужайра реакциясини кузатилмаслиги ареактив жараён натижасида эмас, балки ушбу соҳаларда адекват қон айланишининг етарли даражада таъминламаслиги туфайли келиб чиққанлиги ва шу билан биргаликда орқа миё хужайраларида хужайра реакциясини кузатилишини таъкидлаб ўтишган [48,49].

Механик асфиксиянинг сиртмоқда осилиш ҳолатларида бош миёда кузатиладиган шишларни Г.Г.Семенов қуйидаги турларга бўлиб ўрганган: периваскуляр, перинейронал, периаксонал ва глиал фибриллалар атрофидаги перифибрилляр шишлар фарқланиши, ўз навбатида периваскуляр шиш деструктив даражада кечиб микрокисталарни ҳосил қилишини, баъзан улим жуда тез қисқа вақт ичида вужудга келганда кузатилмаслиги мумкинлигини, шу билан бирга перинейронал, периаксонал ва ок модданинг шиши эса агонал босқични узок кечганидан далолат беришини таъкидлаб ўтган [52].

Л.М.Туманский ўз амалиёти давомида сиртмоқда осилиб вафот этган жабрланган шахслар бош миёсини текширганда: бош миё пардалари тулақонлиги ва кенгайганлигини, артерияларни қамқонлиги ҳамда дистониясини, бош миё юмшоқ пардаларига қичик учокли қон қуйилиш мавжудлигини, бош миё туқимасидаги капиллярларда қандж ҳолати, вена ва венулаларни тулақонлиги, айрим томирларини эса спазм ҳолатда бўлганлигини, шу билан бирга нерв хужайраларида дистрофик ўзгаришлар яъни нейронларни воқуализацияси, периферик нейронларда базофилия, ядролари эксцентриқ жойлашуви ҳамда пикнотик ўзгаришларни кузатган [54].

В.Г. Папков, Д.Н.Услонцевлар механик асфиксияни сиртмоқда осилиб вафот этган жабрланган шахслар бош мия гипоталамусининг нейросекретор соҳасидаги супраоптик ва паравентрикуляр ядроларни текшириб курганда, уларда капиллярлар дистонияси, эритростаз, катта булмаган хажмда диapedезли кон куйилишлар, куринишидаги дисциркулятор узгаришлар ва астроцитлар танаси ва усимталарининг ҳамда супраоптик ядроларнинг букиши, хроматолизи, сувли дистрофияси келиб чикганлигини, шу билан бирга купгина нейронларда цитоплазмани тулик эгаллаб олган катта хажмли вакуолалар пайдо булиб, улар хужайра ядросини цитоплазма деворига кисиб куйган булиб уларнинг сони 20-30% ташкил килади. Паравентрикуляр ядроларда ҳам худди супраоптик ядролар каби дисциркулятор узгаришлар кузатилиб, купинча периваскуляр кон куйилишлар келиб чикканлиги, бу уз навбатида бош мияни уткир букиши ва шиши хисобига келиб чикганлигини, дистрофик жараёнлар супраоптик ядро соҳаларда, дисциркулятор жараёнлар паравентрикуляр ядро соҳаларда кучли намоён булганлигини таъкидлаб утишган [44,45].

Бош миянинг асос соҳасидаги нейронларида кайтмас классик узгаришлар: кариолизис, хроматолизис келиб чикиб улар бош мияни асос соҳасининг 1/3 кисмини эгаллаб, бош миядаги узгаришлар кайтмас даражали эканлигидан далолат беради. Шу билан биргаликда бош мияни шишиниш даражаси механик асфиксиянинг бошка турларига караганда сиртмоқда осилиш ҳолатида купрок кузатилишини келтириб утганлар [11].

Ю.А.Молин узининг олиб борган куп йиллик ишлари давомида сиртмоқда осилиб вафот этган шахслар бош мияси томирлар деворининг утказувчанлиги ошиши, экстравазатлар, капилляр ва веналар тулаконилиги, уткир дистрофик узгаришлар намоён булишини бу эса бош мия массасини ортишини, нейронларда ишемик ва дистрофик узгаришларни келтириб чиқаришини айтиб утган. [32,33,34].

Механик асфиксия натижасида келиб чикган постреанимацион энцефалопатияни Н.К.Пермяков 4 типдаги кайтмас турларга булиб урганган ва улар 1. Диффуз учокли тип, 2. Пустлок ости каватни симметрик некрози, 3. Катта ярим шарлар моддасининг парциал некрози, 4. Бош мияни тотал некрози булиб, жараённи кайси тип куринишида намоён булиши жабрланган шахсни канча вақт давомида яшаганлигига боғлиқ холда кечади. Диффуз учокли типда бош мияни макроскопик курганимизда мия букиши ва шиши, микроскопик текширувда пустлок каватдаги нейронларни диффуз зарарланиши (ишемик ва уткир букиш натижасида хроматолиз, кариолизис) кузатилиб у уз навбатида глиал реакция билан бирга кечишини таъкидлаб утган [49].

Бош мияни парциал некрози огир даражали шикаст булиб бунда узунчок ва айланасимон шаклдаги учоклар пустлок ости тугун ва мияни ок моддасида жойлашади. Некроз зоналарида юмшаш белгисининг йуклиги жараён ишемик тарзда кечганидан далолат беради [64].

А.В.Лузин, Д.В.Богомоловлар механик асфиксияни сиртмоқда осилиш холатида бош мия томир утказувчанлиги ошиши, уларнинг уткир дистрофияси, бош мияни шиши, мия пустлок каватининг букиши, нейронларни дистрофик вакуолизацияси, хроматолиз ва кариолизис каби узгаришларини аниклашган. [4,23,24].

Постасфиктик энцефалопатиянинг енгил ва урта огир даражаларида бош мия катта ярим шарларни ганглиоз хужайралари, миячани Пуркинье хужайраси ва кулранг модданинг экстракортикал сохаси (Аммонов шохи, курув думбоги ва бошк) ишемик (букиш, пикноз, кариорексис) характердаги узгаришларни кузатилиб, постасфиктик энцефалопатиянинг биринчи суткасининг охирида микроглиал ва астроцитар элементлар реакцияси кузатилиб у кучайиб бориши ва учокли глиоз келиб чиқиши билан тугаши, шу билан бирга кислород танқислигидан азият чекаётган капиллярлардаги эндотелиал хужайраларда пролиферация жараёни кечиб 3-4 суткада диффуз

бузилиш ва кон айланишининг бузилиши (гиперемия, стаз, плазмo-геморагия) натижасида бош мия пустлок каватида кичик бушликли учоклар, миелин толаларининг деструкцияси кузатилади деб келтириб утади Н.К.Пермяков. [46,49].

Муаллифлар кузатишларича марказий нерв системасидаги узгаришлар куриниши, асфиксия жараёнида беморни канча вақт давомида яшаганлиги, организмни турли структурасининг локал кислородга булган талаби ва бошка бир канча сабабларга боғлиқ булади. Бош мия марказлардаги узгаришлар уз навбатида ҳар бир алоҳида ҳолат учун узига ҳос хусусиятга эга бўлиб, бу ҳужайраларни функционал ҳолати ва сиртмокни буйин аъзоларни канчалик даражада қисганлиги билан боғлиқ[53,57].

Сиртмоқда осилиш ҳолатидан кейинги постреанимацион даврда бош мияда кузатиладиган структуравий узгаришлар патогенезини: кампрессион ишемия сабабли мияда кон айланишининг тулик тухташи ва тезда мия ичи босимининг ошиши натижасида келиб чиқиб, некроз сохаларида ҳужайралар реакциясининг кузатилмаслиги жараён ареактив кечишидан эмас балки, учокда адекват кон айланишининг йуклиги натижасида келиб чиқади деб таъкидлайди баъзи муаллифлар. [61,62]. Купгина муаллифлар пустлок ости тугун паравентрикуляр зона гипоталамик соҳа баъзан эса катта ярим шарлар пустлок каватида томир утказувчанлиги ошиши ва тонуси бузилиши натижасида пердиapedезли кон қуйилишлар келиб чиқади. Пустлокда янги формация пайдо бўлиши, нейрoцит танасининг деформацияси ва ҳажм жихатдан камайиши, нейронофагия ва сателлитоз келиб чиқиб, қурув майдонида нормал ва патологик узгарган ҳужайралар қуринади [66,70].

1.3 Буйин соҳасидаги нерв кон томир тутамидаги узгаришлар.

Сиртмоқда осилишнинг ҳаётийлик даврида нерв толаларида аргентофобли ва гипераргентофобли узгаришлар, цилиндрларни варико́з кенгайиши ва фрагментацияси, нерв толаларни донатор парчаланиши

кузатилади. Адашган нервни буйин сохасидаги кисмида ва ундан пастки сохалардаги ганглияларда тулаконлик ва учокли кон куйилиш каби узгаришлар кузатилади. Теридаги нерв толаларида цилиндрлар импрегинацияси кучсизлиги, уларнинг контурларининг турли хиллиги, букиши, вакуолалар пайдо булиши, миелин каватни шишиши, вакуолизацияси, насечкасининг кенгайиши баъзи нерв толарида эса фрагментация куринишидаги узгаришлар кузатилади [9,10].

Буйин сохасидаги адашган нерв тугуни ва ганглияларида учокли демиелинизация, нотугри импрегнация, аксонлар ёрилиши, миелин кобик ва буйин сохасидан пастда жойлашган ганглияларда эса аргентофилия, гомогенли нейрофибрилия, ганглиоз хужайраларда базофил субстанцияни нотугри таксимланиши, хроматолиз, купгина хужайралар ядроси пикнози ва ядрони эксцентрик жойлашуви кузатилади. Аник маълумотни адашган нерв тугуни ва ганглияси нейронларига ва симпатик нерв тугунининг буйин сохасидан юкори кисмидаги нерв тугунларига кон куйилиш учоклари мавжудлиги тасдиклайди деб маълумотлар бериб утишган [41,42].

Сиртмоқда осилишда юзага келадиган странгуляцион эгатдан юкорида (ияк ости, пасти жаг ости) ва пастда (култик ости, умров усти) жойлашган лимфа тугунларни гистологик текшириб уларда кон куйилиши, кон билан туйиниши лимфа тугуни капсуласи атрофидаги ёг клеткасида кон куйилиши, капсуладаги венуллаларни гепиремияси каби узгаришларни аниклашган [16].

И.А. Концевич нейроморфологик метод оркали странгуляцион эгат сохасидаги ва буйин сохасидаги нерв аппарати, адашган нерв хамда орка мия ганглиялардаги узгаришларни келтириб утган. Унинг маълумотлари буйича странгуляцион сохасидаги тери нервларида ва адашган нервни асосан сиртмоқни кучли таъсир килган сохаларида турли шаклдаги кузгалувчанлик, дегенерация, аксонлар ёрилиши, миелин кават узининг структурасини йукотиши баъзан эса калинлашувини кузатган [20].

Странгуляцион эгат хаётий булганда буйин сохасида нерв толаларида - аргирофобия, нерв толаларини кисман гипераргентофилияси, ук цилиндрларида варикозли кенгайиш, фрагментация, нерв толаларини донатор парчаланиши намоён булади. Булардан ташкари халкумнинг хикилдок кисми, адашган нервни буйин сохасидаги кисми, ва унинг пастки сохалардаги ганглиялари ҳамда тилнинг илдиз кисмида тулаконлик ва учокли кон куйилиш каби узгаришлар кузатилади [41,42].

Сиртмок буйин аъзоларини кучли кисилиши симпатик нервни босилишига ва натижада корачикларни торайиши (Шнайдер Ф. 1994), ҳамда тери ва мушак нервларни аргентофилияси, букиши, варикози, фрагментация куриниши, нервларда миелин кобигини ноаник контурли шиши, букиши, фрагментацияси ва вакуолизацияси куринишидаги узгариши, ҳамда адашган нервнинг буйин сохасидаги утказувчан кисмида - ноанок импрегнацияси, ноаник контурли, аксонлар ёрилишлари юзага келади [38,40].

Сиртмок таъсир килган теридаги эпидермисни калинлашуви, унинг юза каватининг кузатилмаслиги, колган сохаларнинг пушти рангдалиги, хужайра ядросининг чюзинчок шаклда эга эканлиги, терининг алохида сохаларида эпидермис хужайралари структураси ноаниклиги, коллаген толалари гомогенизацияси, базофилияси, метохромазияси каби узгаришлар булиб бириктирувчи тукима хужайраларида ядрони кузатилмаслиги, эластик толалари фрагментацияга учраб томирлар пучайгани, уларда кон булмаслиги, эгат сохасидаги нерв укларидаги цилиндрлар импрегнациясининг ошиши, ноаник контурлиги, букиши, нейрофибриллаларни толасизланиши ва уларда вакуолалар пайдо булиши, миелин кават шишинган, вакуолизациялашган, насечкасининг кенгайиши баъзи нерв толаларини фрагментацияси аникланади [34].

Сиртмок тугуни жойлашган жойига караб упкада кузатилган узгаришларни аниклаб куйидаги хулосага келган. Тугун буйиннинг олдинги сохасида булган 10 холатнинг хаммасида Тардье доглари упканинг олдинги

ва булаклараро юзасида, тугун олдинги ён томонда жойлашганда булган холатларнинг 10/9 тасида Тардье доглари упканинг олдинги ён юзаларида, сиртмок тугуни оркага жойлашган 10/7 холатда Тардье доглари упканинг ён ва диафрагмал юзаларида кузатилгани аниқланган [12].

Сиртмокда осилишнинг специфик белгиси булиб странгуляцион эгат хисобланиб, эгат уз навбатида буйиннинг юкори, урта ва пастки учлигида, йуналиши буйича горизонтал ва кийшик кутарилувчан унинг кенглиги ва чуқурлиги фаркланади. Бундан ташкари сиртмокда осилиш натижасида кзатиладиган белгилар-ковокнинг бириктирувчи тукумаси экхимози, анизокария (симпатик нервни кисилиши натижасида), тил учини тишлаб олиши, бурун йулларидан кон окими, огиз бушлиги шиллик каватида кон куйилиши, тил ости суяги, хикилдок тогайлари синиши, уйку артерияси интемаси ёрилиши ва кон куйилиши, умумасфиктик белгилар келиб чиқади. [8,9].

Осилиш тик холатда, тизза, утирган ва ётган холатларда кузатилиши мумкин. Сиртмок материалининг характериға караб юмшок - чойшаб, шарф, сочик(камдан кам холларда кийимнинг ёкаси булиши мумкин), ярим каттик-энг куп учрайдиган материал булиб аркон,шнур, камар, белбог, каттик материал-электр сими, юпка металли трослар булиши мумкин. Сиртмок тузилиши буйича харакатчан ва харакатсиз бу хам уз навбвтида - очик ва ёпик турга булинади. Ёпик тугун буйинга якин жойдан боғланади, очик турида халка шаклда булиб ундан кала эркин киради. Тана массаси билан бу сиртмок буйинни олдинги ва ён томонларидан кисади. Сиртмокда осилишда тугуннинг жойлашган жойига караб типик тугун буйиннинг орка сохаси ёки энса сохасида, атипик - тугун буйиннинг олдинги ёки ён томонларида жойлашади [15].

Буйинда сиртмокни сонига караб битта ёки куплаб, сиртмокда осилиш вазиятига караб тулик ва нотулик - утирган, тизза, ётган холатда булиши мумкин. Кузатишларга караганда куп холларда вертикал яъни тулик вазиятда

70-65% кам холларда тизза 20% холатда осилиш кузатилади. Муаллифни такидлашича типик ва атипик сиртмоқда осилиш фаркланиб типик вариантида сиртмоқни тугуни буйинни оркасида ёки энса сохасида, атипик вариантида сиртмоқни тугуни – буйинни олдида ёки иккала ён томонининг бирида жойлашади. Кам холларда сиртмоқни тугуни буйиндан бошка сохаларда - ияклар орасида, огиз ёки огиз оркали жойлашиши мумкин. Шунга боғлиқ холда морфологик узғаришлар турли даражада намоён булади. [26,27].

Сиртмоқда осилишда эгатни буйин сохасида жойлашиши тананинг вазиятига боғлиқ булади. У одатда кийшиқ кутарилувчан характерга эга булиб оркадан олдиндан, ёки ён томонда булиши мумкин. Эгатни кенглиги сиртмоқни кенглиги ва калинлигидан чуқурлиги сиртмоқни калинлиги ва материалнинг каттиклик характери, танани сиртмоқда кандай вазиятда жойлашганига боғлиқ. Агарда сиртмоқ материалли каттик булган материалдан фойданилган булса эгат ва буйин сохасидаги узғаришлар чуқур характерли булиб, буйин юмшок туқималари ва шу сохадаги нерв кон томирларида кучли характердаги узғаришлар келиб чиқади [41].

Сиртмоқ materiali каттик булган материалли типик осилиш холатларида ички органларни микроскопик текширганда кон айланишининг бузилиши, томир деворининг утказувчанлигининг ошиши, дистрофик узғариш каби холатлар аникланиб, упкаларда учокли шиш, геморажия, баъзи қисмлари ателектазга учраган булади. Юрак, жигар, буйрак томирлари тулакон, томирлар девори буқиши, дистрофик узғариши каби маълумотлар келтириб утилган [43,66].

Странгуляцион эгатни морфологик хусусияти сиртмоқнинг турига боғлиқ булиб каттик ва ярим каттик материаллар чуқур, аниқ чегарали из колдиради, юмшок сиртмоқ материаллари эса юзаки оқишрок юмшок эгат колдиради. Муаллифлар томонида бундан ташқари эгатнинг рельефи, кенглиги, сони йуналиши буйин аъзолардаги шикастланишлари - умумий

уйку артерияси интемасининг кундаланг ёрилиши (Амюсс белгиси), адвентиция каватида кон куйилиши (Мартин белгиси), туш-умров-сургичсимон мушагининг медиал оёкчасига кон куйилиши хакида маълумотлар бериб утилган [50].

Муаллифларнинг таъкидлашларича сиртмок материали юмшок булганда, странгуляцион эгат сохасида юмшок тукималарда эпидермис унча узгармаган, унинг ядроси калинлашган, колаген толаларининг гомогенизацияси ва тинкториал хусусиятлари кучсиз намоён булади. Томирлар тулаконли, эгат кирраларидаги томирлар тулаконли булиб шу соха бириктирувчи тукимаси шишган. Куп холларда тери ва тери ости ёг клетчаткасида кон куйилиш учоклари кузатилади. Сиртмокни юкори кисмидаги терининг ёстикчасимон осилган сохасидаги эпидермисда дистрофик жараёнлар, терининг хусусий каватида тулаконлик ва кон куйилишлар кузга ташланади. Эгат сохасидаги мушак тукималардаги миоцитлар калинлашган, толалари сийрак жойлашган, мушак тукималарига кон куйилиш учоклари кузатилади [47].

Сиртмокда осилишнинг асосий белгиси булиб странгуляцион эгат булиб у сиртмокни теридаги негатив куриниши хисобланади. Сиртмокда осилишда эгат купинча буйиннинг юкори сохасида жойлашади. Эгатни гистологик текширганда эгатнинг киргокларидаги тери ва тери ости ёг кавати капиллярлари тулаконли ва экстровазатлари, стаз, хужайра инфилтрацияси, артериал тормаблари, эпидермиснинг малпиги кавати букиши, теридаги нерв элементлари ва тугунларидаги реактив узгаришлар кузатилади [15,16]. Муаллифни такидлашича странгуляцион эгатни кирралари, девори кенглиги ва чукурлиги мафжуд булиб, улар материалнинг характериға караб турли хил куринишга эга булади. Бундан ташкари текширишларда тил ости суяги ва хикилдок тоғайларинг синиши, буйин юмшок тукималарида кон куйилиши, умумий уйку артерияси интемасининг ёрилиши, странгуляцион эгатдан юкорида жойлашган лимфа тугунлар капсуласига кон куйилиши, буйин

умурткалараро дискларига кон куйилиши ва умумасфектик белгилар хакада маълумотлар келтириб утган [51].

Муаллифлар томонидан сиртмоқда осилишда странгуляцион эгатни хаётлигини аниклаш мақсадида буйин сохасидаги кон томирларни кон билан туйиниш даражасини аниклаш мақсадида морфометрик усулда уларда кузатилган морфологик узгаришларни турли параметрлар асосида таккослаб странгуляцион эгатни хаётлигини аниклашган. Бу усул мураккаб булганлиги сабабли амалиётда хозирги вақтда кулланилмайди [27].

Странгуляцион асфиксияда бош мияда локал кон айланиши бузилиши ва буйин аъзоларида механик таъсурот асасой ахамиятга эга булиб гистологик текширганимизда ички органларда кон айланишининг бузилиши, томир девори утказувчанлиги ошганлаги ва уларнинг уткир дистрофияси, упка шиши, ҳамда бош мияда вакуол дистрофия, мия букиши кузатилади [4,5,7].

Странгуляцион асфиксиянинг типик холларида конни суюк холати, сероз ва шиллик каватларда уткир кон куйилишлар, упка ва бош миянинг кучсиз шиши, халок булган нейронларда глиал реакциянинг кузатилмаслиги, упканинг уткир эмфиземаси, альвеоляр макрофаглар десквамациясининг йуклиги, ички органлар асосан бош мия ва упкалардаги капиллярларни тулаконлиги характерли булса ҳам сртрангуляцион асфиксия алкохолдан мастлик холатида юкоридаги морфологик куриниш уз хусусиятларини намоён этмасдан бошқача куринишда кечиши мумкин [24].

Адабиётлар тахлилидан куриниб турибдики механик асфиксия курсаткичида юкори булиб хаёти сакланиб колинганда инсон организмнинг морфо функционал узгариши туфайли механик асфиксиянинг асоратидан улим келиб чикиши ифодаланган. Бу холат сиртмоқ материалига организмни индивидуал холатига ва ички аъзоларда кон томир лимфа томирларда бош мияда узгаришларга олиб келиши атрофлича урганилган аммо бир узгаришни иккинчи узгаришга богликлиги яъни странгуляцион эгат характериға боглик холда буйин кон томир нервлари ҳамда бош мия

тукимасидаги узгаришларни етарлича урганилмаганлигини куришимиз мумкин. Бош мия тукимаси кислородга талабчан булгани учун ва бу кислород танкислиги буйин кон томир ва нервларига бевосита богликдир. Шу сабабли бу узгаришларни суд тиббий амалиётида комплекс равишда урганиш ахамиятга эгадир.

ТАДКИКОТ МАТЕРИАЛИ ВА УСЛУБЛАРИ.

Куйилган вазифаларни бажариш учун сиртмоқда осилишнинг турли вариантлари ва даврларида келиб чикган улим танатогенези урганилди, ҳамда 24 та воқеа жойида вафот этган шахслар ва бта стационарда вафот этган шахслар буйин соҳасидаги нерв томир тутами ва бош мия катта ярим шарлари пустлок кавати текширилди: Текширувларимиз амалий суд тиббий материаллар асосида бажарилди. Барча текширувлар 2012-2013 йилларда Самарканд Вилоят СТЭ Бюросида утказилди. Текширувлар давомида мурдалар суд тиббий текшируви далолатномалари ва эксперт хулосалари таҳлил килинди, мурдалар ташки ва ички текширувлари, шунингдек буйин соҳаси нерв кон томир тутамидан ҳамда бош мия пустлок кисмидан гистологик текширувлари утказилди. Текширув материаллари асосан шахсий кузатув объектларидир. Макроскопик текширувлар доимий кулланиладиган секцион (Шор) усулларда бажарилди.

Текширувдан утказилган барча ҳолатларда улим содир булгандан сунг суд тиббий экспертиза бюросига 1 суткагача булган муддатда олиб келинган. Шундан 8(26,5%) нафар аёл ва 22(73,5%) нафар эркак жинсли шахслар булиб, уларнинг уртача ёши 12-62 ёшни ташкил этди. Суд кимёвий натижалари буйича сиртмоқда осилганларнинг 12,9% уз ҳаракатларини турли даражали алкоғолдан мастлик ҳолатларида содир этган. Жумладан алкоғол аниқланган ҳолатларнинг 57% да енгил, 28,5% урта ва 14,5% оғир даражали мастлик ҳолатлари кайд этилган. Буларнинг барчаси эркак жинсли шахслар булиб уларнинг ёши 30-60 ёш шахсларга тугри келади.

Ходисаларнинг 86,7% (26 та) да сиртмоқ типик жойлашувга эга булиб (20 нафар эркак жинсли шахсларда ва 6 нафар аёл жинсли шахсларда), 13,3%да (2 нафар эркак жинсли шахсларда ва 2 нафар аёл жинсли шахсларда) сиртмоқнинг атипик жойлашуви кайд этилган,

шунингдек 93,3% (28 та) ҳолатда жабрланган шахслар танаси вертикал ҳолатда ва 6,7% (2 та) ҳолатда утирган ва ярим утирган ҳолатда содир килинган.

Сиртмоқ материали хусусиятига кўра 75,9% қаттиқ ва ярим қаттиқ материалли, 24,1% юмшоқ материалли хусусиятга эга бўлган. 87% да сиртмоқ буйининг юқори қисмида ва 13% да сиртмоқ буйиннинг урта қисмида жойлашган. Сиртмоқ материалли буйин соҳасига жойлашган сонига қараб таҳлил қилганимизда 29 та ҳолатларда сиртмоқни сони битта бўлган бўлса, 1 ҳолатда сиртмоқ сони иккитани ташкил қилиб ёши катта бўлган аёл кишига қўйилган.

Катамнестик маълумотларга қараганда ҳалок бўлганларнинг асосий қисмини соғлом, ишга яроқли бўлган шахслар ташкил этади. Воқеа жойидан олиб келинган улик тана текширилганда уларда асосан тез улим белгилари аниқланди. Қўшимча текширувда 1 та ҳолат бўйича ёмон сифатли усма (лимфасаркома), 1 та ҳолатда чап томонлама сурункали плеврит ва 7 та ҳолат бўйича юракнинг сурункали ишемик касаллиги, 1 та ҳолат бўйича рухий касалликлар диспансери назоратида туриши аниқланган.

Текширилувчи ҳолатларни таҳлил қилганимизда 6 та ҳолат стационарда 5-13 кун давомида ётганлар ва қолган мурдалар уз уйида танасининг буйин соҳасида странгуляцион эгат қуринишидаги тан жароҳатлар ҳамда тез улим белгилари билан топилган.

Улик тана текшируви давомида тери ранги (цианозли, оқимтир) ва ҳолати (ифлосланиш, жароҳатланиш), шиллик пардалар (қуришига қон қуйилишлари бор йуклигига), мурда доғлари (ранги, тарқалиши, ривожланиши), мушак қотиши ва совуши, юзнинг ҳолати (шиш, чуқиши ва тиришиши), қон ҳолати (тук қизил рангда ва суюқ ҳолатда бўлиши),

аъзолар туқималар ва катта кон томирларининг тулақонлик даражаси, консистенцияси ва ранги, хар бир аъзода патологик жараёнлар ва кон қуйилишлар бор йуқлигига, буйин соҳасида уйқу артерияси, буйинтирик венаси, адашган ва симпатик нерв толалари, эгатдан пастда ва юқорида жойлашган лимфа тугунлари, странгуляцияон эгат ҳамда бош мияда қузатилган узғаришларга алоҳида этибор қаратдик. Микроскопик текширувлар утқазиш мақсадида буйин соҳаси нерв тугунлари ва бош мия катта ярим шарлари қустлок қисми, VI-майдон (Бродман буйича) дан булақчалар олиниб 10 % ли формалин эритмасига солинди ва 3 кун давомида спиртли батареялардан утқазилиб фиксация қилинди, парафинли блокларда қотирилди ва микротом ёрдамида қалинлиги 5-8 мкм булган қесмалар олинди. Микропрепаратлар гематоксилин эозин билан буяш учун гематоксилинни қвасқли ва спиртли эозин эритмаси олинди. Буяшдан олдин препаратларни парафиндан тозалаш учун толуол эритмасига 1-2 минут давомида ботириб қуйилди. Парафин толуолда эригандан кейин препаратни 96 % спиртга ботирилди ва тезда препаратни сувга 1-2 минут давомида ушлаб турилди. Шундан кейин препаратлар буяш жараёнига тайёрлиги олиб қорилди ва гематоксилин-эозин, Ван-Гизон, Нисль усулларида буялди.

Текширилаётган препаратдаги нерв хужайралари ва кон томирларнинг морфологик узғаришлари хар бир препаратнинг 10та қуриш майдонида қуриб, саналди. Бош миянинг гистологик препаратлари Adobe Photo Shop 8,0 график редактори ёрдамида гистологик элементлар микдорий бақоланди. Текшириш учун умумий улчами 500 нукта булган майдондан фойдаланилди. Хар бир микропрепаратда умумий микдори 5000 нукта булган 10 майдон саналди. Текшириш ок 10 ва об 40,100 да утқазилди. Олинган статистик маълумотларни барчаси Pentium IV, ҳамда Excel 2007. STATISTICA 5.5. программаларидан фойдаланилди.

Микроскопик текширувлар жараёнида кон томирлар (девори тонуси, тулаконлиги, кон куйилишлари), нерв хужайралари шакли, улчами, жойлашган урни, ядро ва цитоплазма ҳолатига, лимфа тугунларида кон куйилиш учоклари ҳамда улардаги дегенератив узгаришларга эътибор берилди.

Микропрепаратларни сифатли текшириш ва ёзиш учун куйидаги жихозлардан фойдаланилди. Микроскоп “Leisa EC3” (Австрия, Германия), цифравой фотоаппарат SAMSUNG D760/7.2 Mgp. буйин нерв кон томир тутамлардаги ва бош миёдаги узгаришларни аниқлашда ёрдам беради.


ТАДКИКОТ НАТИЖАЛАРИ.

Олдимизга куйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун 2012-2013 йилларда Суд тиббий экспертиза амалиётида механик асфиксиянинг сиртмоқда осилиш турида воқеа жойида (24 та) ва стационарда (6 та) ҳалок бўлганлар шахслар бўйин соҳаси қон томир тутами ҳамда бош миёна бўш қисми структур компонентлари ўзгаришларини ўргандик.

Механик асфиксияда қўзатиладиган ва умумасфиктик белгилар номи билан бирлашган ташқи ва ички белгиларни инобатга олиб, ҳодисаларни таҳлил қилиб қўрганимизда, юзнинг цианози 24 та ҳолатда қўзатилиб уларнинг 15 таси эркак жинсли, ва 4 таси аёл жинсли шахсларда қўзатилди. 6 та ҳолатда бу белгини намоён бўлмагани уларни стационар шароитида даволаниши натижасида қўзатилмаганлигини эътиборга молик ҳисобланади. Қўз шиллик пардасига кичик нуқталар қон қўйилиш белгиси жабрланган шахсларнинг 24 тасида қўзатилиб 6 та ҳолатда жабрланганлар бир неча кун (5-13 кун) давомида уларга реанимацион даво – муолажалари ўтказилганлиги сабабли қўзатилмади. Мурда доғларини жойлашган соҳаси уларни ранги, интенсивлиги бўйича таҳлил қилиб қўрганимизда 22 та ҳолатда мурда доғлари тўқ бинафша рангида, тананинг орқа ва ён соҳаларида тарқок интенсив ҳолда жойлашуви, 2 та ҳолатда мурда доғини тананинг пастки соҳаларида (сиртмоқда осилиш ўтирган ва ярим ўтирган вазиятда содир этилганлиги сабабли) тўқ бинафша, интенсив ҳолдалиги ва 6 та ҳолатда мурда доғларини оқимтир пушти рангда (агонал улим) эканлиги аниқланди. Ихтиёрсиз сийиш ва дефикация белгиси ҳодисаларнинг 11 та ҳолатида (8 та эркак, 3 та аёл кишида) қўзатилиб, ихтиёрсиз сийишга нисбатан ихтиёрсиз дефикация кўпроқ қўзатилди. Қоннинг суюқ ва тўқ рангдалиги, ички органларнинг тулақонлиги текширув давомидаги ҳолатларнинг 24 тасида аниқланган бўлса 6 тасида

конни куюк лахтали холдалиги, ички органларни нисбатан тулаконлиги аникланди. Плевра ва эпикард остида кичик нуктали кон куйилиши жабрланганларни 25 тасида аникланиб колганларига аникланмади. Амюсс белгиси (кон томир деворини ёрилиши) сиртмокни материал характериға боглик булиб куп холларда каттик материалдан булган сиртмокда кузатилади ва одатда кон томирнинг орка деворида кундаланг ёки кийшик кундаланг характерда эға булиб странгуляцион эгат сохасига тугри келади. Артериядаги ёрилиш шакли тугри чизикли, зигзаксимон, яримойсимон ва шохланган куринишға эға.

№	Умумасфиктик белгилар	эркаклар	аёллар
1	Куз шиллик пардаларига кон куйилиши	17 (77%)	7(87,5%)
2	цианоз	15 (68,1%)	4(50%)
3	Мурда доглари кизгиш бинафша рангдалиги	17 (77%)	7(87,5%)
4	Ихтиёрсиз ахлат ажралиши	8(36,3%)	3 (37,5%)
5	Ихтиёрсиз сийиш	3 (13,6%)	1 (12,5%)
6	Коннинг суюк тук кизил рангдалиги	17 (77%)	7(87,5%)
7	Ички аъзоларни тулаконлиги	22 (100%)	8(100%)
8	Тардые доглари	19(86%)	6 (75%)




3.1. Сиртмоқда осилишнинг турли вариантлари ва даврларида бош миёдаги структуравий узгаришлар.

